

ҚЎШИҚ БАДИИЙ МАТНИДА МАРОСИМ ВА УРФ-ОДАТЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

Феруза Эшқобиловна АБДУРАХМОНОВА

доцент в.б.

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Тошкент, Ўзбекистон

feruzaxon8484@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада қўшиқ ва қўшиқ билан боғлиқ баъзи урф-одатлар ҳақида сўз юритилади. Халқ қўшиқларининг аксарияти дастлаб маълум маросим ва одат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ижро этилганлиги, унинг қўшиқ бадий матнида ўтказилаётган маросим ёки урф-одатларнинг мазмунида ҳам акс этиши, қўшиқ бажарилаётган маълум одатнинг ижобати сифатида маросимнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилиши ёритиб берилади. Бугунги жонли ижро жараёнларида ҳам маросим ёки бирон одат билан боғланган қўшиқлар ижро этиб келинаётганлиги баён қилинади.

Таянч сўзлар: маросим, никоҳ тўйи, халфа, урф-одат, қўшиқ, ҳудудий, йиғи мотиви.

ОТОБРАЖЕНИЕ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ ПЕСЕН ЦЕРЕМОНИЙ И ОБЫЧАЕВ

Феруза Эшкабиловна АБДУРАХМАНОВА

и.о. доцента

Доктор философии по(PhD) филологическим наукам

Государственный институт искусств и культуры Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В этой статье рассматриваются некоторые обычаи, связанные с пением. Большинство народных песен первоначально исполнялись в тесной связи с определенным ритуалом и обычаем. Художественный текст песни также отражает содержание исполняемого ритуала или обычаев. Песня служит для повышения эффективности ритуала в ответ на выполняемый определенный обычай. В современных процессах живого исполнения также используются песни, связанные с церемонией или каким-либо обычаем.

Ключевые слова: церемония, свадебное торжество, халфа, традиция, песня, территориальный, мотив плача.

Халқнинг энг яхши кашфиётларидан бири – қўшиқ. Қўшиқ бу – мўъжиза, у инсонга рухий таскин берувчи ажойиб яратик. Фольклоршунос ва мусиқашунос олимларимиз “қўшиқ” атамаси, генезиси, поэтикаси, ўзига хос

хусусиятлари ва унинг ёзма адабиёт намунаси бўлган қўшиқлардан фарқли жихатлари, халқ қўшиқларининг баъзи ҳудудий фарқланишлари ҳақида илмий хулосалар беришган. Аксар халқ қўшиқларининг келиб чиқиши маросим фольклорига бориб тақалади. Улардан бири қизни узатиш маросимида куйланадиган “Ёр-ёр” қўшиқларидир. Ёр-ёрлар қайси ҳудудларда биринчи бўлиб куйланганлигини аниқлаб бўлмайди, аммо, қалбга яқин урф-одат ва анъаналари, қарашлари ўхшаш туркий халқларнинг кўпчилигига манзур бўлган ва яшаётган ҳақиқий санъат дурдоналари ичида “Ёр-ёр”лар ҳам бор.

Йирик фольклоршунос олим О.Сафаров “Ёр-ёр” қўшиқларининг ҳудудий фарқланиши сабабини гўзал тасвирлайди: “Дейдиларки, қайси дарёнинг сувини ичсанг, ўша юрт таронасини куйлайсан. Зеро, ўша дарёнинг шарқираб оқиши қўшиғинг оҳангига айланади. Шундай бўлмаганда ёр-ёрни Сирдарё сувини ичувчи фарғоналиклар ўзгача оҳангу услубда, Амударё сувини ичувчи хоразмликлар яна бошқача наволарда, Зарафшон сувини ичувчи бухороликлар тагин айрича ҳаволарда куйламасдилар-да! Улар ҳар бир қўшиқни ўзлари сув ичган дарё айқиришларига жўрनावозлик ила хониш қилганликларидан куйлари ҳам бир-бирига ўхшамай қолган, бетакрор ҳароратга, тўлғоғу тўлғонишларга, авжу сайқалларга тўлишган” [6;149]. Албатта, улуғ шоир Навоий ҳам эътироф этган ёр-ёрлар халқ ҳаёти билан суғорилганлиги, қофия ва радифда ўзбек тилининг нозик ва нафис томонларини акс эттирганлиги, оҳангдорлиги, мусиқийлиги билан ҳар бир кўнгилга яқинлиги, устоз О.Сафаров айтганидек, ҳар бир ҳудуднинг табиати билан уйғунлашганлиги, ҳар қалбда янгиланганлиги учун ҳам фарқлар кузатилади.

Халқ оғзаки ижоди ва этнографиясини ўрганган олимларимиз маълум бир ҳудудга доир бир неча этно-фольклористик тадқиқот ишларини амалга оширишган. Ёр-ёрларнинг маросим фольклорида тутган ўрни, ижро тарзи, бадиияти бўйича илк тадқиқотларни М.Алавия, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов каби фольклоршунослар ўрганишган. Кейинроқ жанрнинг у ёки бу

худудлардаги тўй маросимларида ижро этилиши ва бадиияти хақида махсус тадқиқотлар амалга оширилди. Уларнинг барчасида ёр-ёрларнинг муайян макон ва замондаги ижро шакллари, фақат ана шу жойгагина хос бўлган хусусиятлари маълум даражада ёритилган. Улардан Хоразмда мавжуд ёр-ёр ва у билан боғлиқ урф-одатларни кўриб чиқамиз.

Хоразм энг қадим тарихга эга, кўхна, улуғвор худудларимиздан биридир. У ўз бағрида кўплаб моддий ва номоддий маданий меросни сақлаб келмоқда. Фольклоршунос олима М.Алавия “Хоразм ёр-ёрларида ўзига хос шеърий система бор”, – деганида тўла ҳақлидир. Чунки Хоразмнинг қадимий мусиқий анъаналарига мос равишда шаклланган ёр-ёрлар шеваси, оҳанги, услуби ва олима айтганидек, ўзига хос шеърий системаси билан фарқланиб туради. Хоразм никоҳ тўйларида ёр-ёр айтиш бошқа вилоятларга нисбатан кам учрайди. Бу Хоразм воҳаси тарихий тараққиётининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Хоразмда асосан, ёр-ёрлар вазифасини туркум кўшиқлар бажаради. Аммо бу билан ёр-ёрлар Хоразмда кенг тарқалганлигини, Хоразм шеваси ва оҳангини ўзига сингдирган кўшиқлар узоқ йиллардан бери ижро этилиб, шу кунларгача етиб келганлигини унутмаслик лозим. Масалан:

Гўшагана тегидан, товоқ олинг, ёр-ёр,

Келинбика тилидан, сўроқ олинг, ёр-ёр [5;16].

Хоразмда бошқа худудлардан фарқли ўларок, қадимдан ёр-ёр кўшиқларини куйловчи ижодкорлар махсус айтувчилар, яъни халфалар ҳисобланган. Кейинчалик у ерларда ҳам кайвони онахонлар, янгалар ёр-ёр куйлай бошлаган. Улар ёр-ёр айтишдан олдин тўй муборак кўшиқларини куйлаган:

Жавоб бўлди сизга гул юзли бойлар,

Боринг, бошланг, ўнглар бўлсин, тўйингиз,

Келин учун ясанг тилло саройлар,

Бошлайверинг, ўнглар бўлсин, тўйингиз [4;27].

Баъзида ёр-ёрлар ўрнида халфалар томонидан ўзларининг тўй кўшиқлари ижро этилади. Бунда келин ва куёв мадҳ этилиб, худуд билан

боғлиқ урф-одатлар кўшиққа сингдириб юборилади:

*Қадам босиб галди бизнинг эллар-а,
Айланай келиннинг қадди бўйиннан,
Булбул учиб қўнар тоза гуллар-а,
Айланай куёвнинг қадди бўйиннан.
Куёв йигит турма бойлар белина,
Хафалик келмасин болам кўйинингга
Келинойим хина ёқар қўлина[4;30].*

Бу каби айнан никоҳ тўйи ва келин-куёв билан боғлиқ мисралар фақат никоҳ маросими билан боғлиқ ҳолда куйланади.

Ижро шаклига кўра ўзига хос тарзда ажралиб турувчи Хоразм ёр-ёрлари кўпгина ҳудудларида кўшиқ дейилмайди. Хоразмда уч хил йўналишда куйловчи халфалар бўлиб, уларнинг келиб чиқиши Зардуштийлик дини билан боғланади. Биринчи гуруҳ (Онабиби Отажонова (Ожиза), Онажон Собирова (Анаш халпа) ижодкор халфалар бўлиб, халқ дostonларини мусиқа жўрлигида куйлаш билан бир қаторда, бадий ижод билан шуғулланиб, ажойиб шеърлар ҳам яратганлар. Иккинчи гуруҳ (Сора Оллоберганова, Соробиби Аҳмедова) халфалар фақат халқ кўшиқлари ва дostonлар таркибидаги айрим шеърларни куйга солиб айтишади ва ансамблга уюшган бўлиб, гармончи, доирачи ва раққоса иштирокида хизмат қиладиган созий халфалар. Учинчи тур халфалар дoston ва кўшиқларни созсиз ижро этадилар. Улар дostonларни ёқимли оҳангда ўқиш, “ёр-ёр”, “келин-салом”, “муборак” каби тўй кўшиқларини ижро этиш билан шуҳрат қозонганлар. Уларни халқ тилида китобий халфалар (Розия Матниёз қизи, Пошша Саидмамат қизи) деб ҳам аташади, улар қўлёзма ёки китобдан ёқимли оҳангда ўқиш билан тўй маросимларни ўтказганлар. Бу уч халфалардан фақат китобий халфалар ёр-ёр айтимларини айтишади. Айтганда ҳам бошқа ёр-ёр кўшиқларидек мусиқа жўрлигида эмас, балки шеърый тарзда ўқишади. Айнан унинг шеърый усулда айтимлардек ўқилиши, махсус дostonларни куйловчи халфалар ижросида

айтилиши, оҳанги, шеваси, уни бошқа ҳудудларнинг ёр-ёрларидан ажратиб туради.

Хоразм никоҳ тўйларини тадқиқ этган олима Н.Қуранбоева ҳам ёр-ёرنинг бу жиҳатини алоҳида қайд этган: “Хоразм ёр-ёрларининг йигит томонидан қизни олиб келиш учун “бўлиш арава” юборилгандан кейин, уни ўз уйидан олиб чиқишда қироатхон халфалар томонидан мусиқасиз ижро этилиши ва полифоник характер касб этиши уларнинг ўзига хослигини кўрсатувчи асосий жиҳати ҳисобланади” [9;16].

Никоҳ маросимининг яна бир узвларидан бўлган “қиз кечаси”, “қизлар базми” Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудларида ўтказиб келинган. Жумладан, Хоразмда ҳам бошқа ҳудудлардагидек, “қизлар базми” ўтказилиб, улар бу маросимга ўзгача ёндашишган. Яъни уларда бу маросимда “Хина ёқар” одати устунлик қилади. Дугоналар келин билан биргаликда қошга ўсма қўйиш, кўзга сурма тортиш, кафтга хина қўйишдан гуёки баҳслашадилар. Тўй маросимидан олдин “хина қўйиш” кечасини ўтказиш бошқа туркий халқлар ва кўплаб мусулмон давлатларда ҳам кенг тарқалган. Бу жараённинг, албатта, ўз туркум қўшиқлари бор. Улар айтишув қўшиқлари – “ёр-ёр”, “ўлан”, “лапар” ва бошқалардир. Унда яна момоларнинг турли хил қизни овутувчи насихат қўшиқлари ва йигит-қизларнинг айтишувлари ҳам куйланади.

Фольклоршунос олима С.Йўлдошева ҳам Хоразм никоҳ тўйларида куйланадиган ёр-ёрларнинг ижро ўрнига кўра икки маросимда айтилишига гувоҳлик беради. Бу маросимнинг биринчиси “Ётоқ тўйи” (ҳозирда, “Хина тўйи”)да“... тўй иштирокчилари ёки кадхудо хотин ижозати билан ёр-ёр айтишни бошлаганлар.... “Ётоқ тўйи”да айтиладиган ёр-ёр қўшиқлари куйидагича бўлган:

Токчадаги қайчини занг босибди, ёр-ёр,

Чиқадиган бикани гам босибди, ёр-ёр.

Йиғлама қиз, йиғлама, тўй саники, ёр-ёр,

Жуфт патикли қошона, уй саники, ёр-ёр [2;132-133].

Бу маросимда ёр-ёр мазмуни насихат, мактов, алқов, турмуш кийинчиликлари, ширин-аччиқликлари кабиларни ифода этган. “Ётоқ тўйи” маросимида айтилаётган ёр-ёр қўшиқлари даврадаги қизлар жўрлигида янада ёқимли, янада шўхчан янграган. Ёр-ёрнинг иккинчи ижро ўрни эртаси куни куёв уйига кузатишда ҳам воҳага хос турли урф-одат ва маросимлар бажарилгандан кейин “... келин чиқонлари билан бирга бошларига гўшангани солиб, ходим кампир ва битта халфа кампир иштирокида яна ёр-ёр айтилади:

Гўшангани сочики сочилади, ёр-ёр,

Ичинда бир қизил гул очилади, ёр-ёр.

Гўшангани ичидан товох олинг, ёр-ёр.

Кичкина қиз дилидан жавоб олинг ёр-ёр [2;133].

Ёр-ёр кўпгина ҳудудларда “муқаддас”, “илоҳий қўшиқ” ҳисобланиб, у фақат бокира қиз учунгина куйланган. Этнолог Г.Тошева Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимларини ўрганар экан, ёр-ёр қўшиғига оид баъзи одатларни қайд этади: “Ёр-ёр қўшиғини айтиш халқимизнинг энг қадимги анъаналаридан бири бўлиб, юксак миллий қадрият даражасига кўтарилган урф-одатларидан биридир. Бу халқ қўшиғи шуниси билан ҳам қадрлики, ёр-ёр бокира қиз илк марта узатилгандагина айтилади, ҳар бир келин бўлмиш қиз ўзига атаб айтилган ёр-ёрни умрида фақат бир мартагина эшитишга муяссар бўлади, холос. Бизнингча, бунинг замирида катта рамзий маъно бор, албатта”. [8;78] Бу удумни маълум бир ҳудудда қандай рамзий маъно касб этишини кўриб чиқиш мумкин.

Амударё тумани Манғит шаҳри ўзбеклари орасида ҳам, никоҳ тўйи маросимининг асосий узви бўлган ёр-ёрлар ҳозиргача яхши сақланиб қолган бўлиб, у билан боғлиқ бир қанча урф-одатлар, ирим-сиримлар узвийликда адо этиб келинади. Бу ерда ёр-ёр айтиш келин бўлмиш қизнинг уйида бошланиб, токи келин куёв уйига етгунича айтилади. Келинчакка қайнонаси олдиндан жўнатган “кампир кўйлак” деб аталувчи, никоҳ ўқиладиган куни кийиладиган махсус кийим, яъни эгнига ёқали кўйлак, нимча, устидан чачвон, оёғига оқ пайтава ўраб, махси кийгизилади. Мана шу кийим билан қизга ёр-

ёр айтилади ва шу кийим билан куёв уйига боради. Ёр-ёр махсус “ёр-ёр айтувчи” томонидан бокира қиз учун айтилади. Аммо баъзи пайтларда бокираликдан маҳрум қизларнинг уят ҳолатини беркитиш учун айтувчидан ёр-ёр куйлаб беришини илтимос қилишади. Бу билан айтувчи қизнинг гуноҳини ўз бўйнига олган ҳисобланади ва ўзларига маълум сир билан, яъни “ҳийлаи шаърий” йўлини тутиб ижро қилишади. Буни янада аниқроқ тушунтириш учун “ҳийлаи шаърий” йўлини бошқа бир халқона мисол орқали кўрсатиш мумкин. Қадимдан никоҳ тўйи маросимининг қайси ойда ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, “сафар ойида тўй қилиб бўлмайди, чунки бу ой хатарли” деб саналган. Гарчанд шу ойда тўй ўтказиш ниҳоятда зарур бўлса, унинг ҳам “ҳийлаи шаърий”си топилган. Бундай вазиятларда тўй бошлашдан олдин келин хонадонига хамиртуруш юборилган, сўнгра тўй бошланган ва ўтказилган. Агар шундай қилинса, гўё тўй сафар ойида эмас, балки ашур ойида ўтган ҳисобланар эмиш” [8;111].

Қиз узатиш маросимларидаги яна бир одат қизларни мажбуран йиғлатиш билан боғлиқ. Туркий халқларда қадимдан ибодат-ҳаё номус масаласи ҳисобланган. Қизнинг ота уйдан чиқиб кетиши қиз ва унинг яқинларига руҳий таъсир ўтказиб, уларда айрилиш, хавотир ҳиссини уйғотган. Шунинг учун қиз уйдан ўз ички кечинмаларини ошкор қилиб, ота-онасидан узоқлашаётгани учун йиғлаши, ички ҳисларини ташқарига чиқариб енгиллашиши керак, деб ҳисобланган. Бу пайтда ижро этилган ёр-ёрлар эса мунгли тус олган.

Никоҳ тўйи қўшиқларидаги мунгли оҳангнинг келиб чиқиши ҳақида бошқирд олимаси Р.А.Султангареева: “келиннинг ўз отаси уйини тарк этишдан аввал йиғлаши рамзий маънода янгиланишдан аввалги “покланиш” тимсоли, келиннинг никоҳдан аввал рамзий синов маросимларини бажариши, оламнинг “ўз” ва “ўзга” қатламлари мавжудлигининг ифодаланиши, “қизлик олами” вакилининг рамзий ўлими ва унинг “келинлик дунёси”да, яъни “ўзга олам” – куёв хонадонидан “қайта тирилиши”ни англатади” [7;29]. Бу ўринда шуни айтиш мумкинки, ёр-ёрлар Хоразмнинг баъзи жойларида бошқа

худудлардагидек куйланмайди. Аксинча, у худди шомон айтимлари сингари йиғи оҳангида ўқилади:

Йиғлама, она, йиғлама, уй сеники, ёр-ёр,

Ипак билан чирмашган чий сеники, ёр-ёр [3;137].

Ёки

Тогда қулон кишнайди, от бўлдим деб, ёр-ёр,

Уйда келин йиғлайди, ёт бўлдим деб, ёр-ёр [1;130].

Йиғи мотиви кўплаб туркий халқлар ёр-ёрларида мавжуд бўлиб, хайрлашув вазифасини бажарувчи ёр-ёрлар қадимда маросимнинг йиғи айтимлари ҳисобланган.

Никоҳ тўйи маросими ҳаётий драматизм бўлса, “Ёр-ёр” кўшиқлари у ердаги қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини юзага чиқарувчи сўздир. Драматик маросим объектида реал воқелик, талқинда эса реалистик йўналиш устун бўлиб, етакчи қаҳрамонларнинг ҳаётидаги нисбатан қисқа вақтдаги руҳиятидаги кечинмаларни ҳикоя қилади. Ёр-ёр қисқа-қисқа сюжетли бўлса-да, атрофдагиларнинг барчасига тегишли бўлган психологик руҳ ва эпик тасвирнинг табиий ҳолат ва манзараларини жонли ифодалашга имкон беради. Ҳар бир маросим иштирокчиси етакчи қаҳрамонлар руҳиятини ўзида ҳис этаётганлиги учун ҳам бу жараён барча учун бир хилдаги психологик жараён ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кўшиқ шунчаки, кўнгилхушлик учун айтиладиган нарса эмас, кўшиқларда халқнинг тарихи, тақдири, дарди ўз ифодасини топади. Ёр-ёр эса, қизларнинг бир оламдан иккинчи оламга кузатувчи ашъор, сеҳрли, йўлбошчи кўшиқ, турмуш деб аталмиш қийинчиликка тайёрловчи йўриқнома, қизликдек ҳур, осуда оламдан ҳақиқий ҳаётга бошловчи муқаддима сўздир. Унда халқнинг ўз қизига берувчи насиҳатлари бисёр, унда оддий одоб нормаларидан тортиб, янги ҳаётидаги ташвишлар ҳам тараннум этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраев М., Худайкулова Л. Ёр-ёрлар. Икки кўнгил бир бўлсин. – Тошкент: Фафур Гулом, 2016. – 264 б.
2. Yo'ldosheva S. Xalq urf-odati va an'analari. – Toshkent: Ijod dunyosi, 2003. – 162 б.
3. Келиной кўшиқлари. Халқ кўшиқлари ва термалари. /Ёзиб олувчи ва тўплаб, нашрга тайёрловчи: О.Собиров. – Тошкент: Фафур Гулом, 1981. – 246 б.
4. Ой олдида бир юлдуз. / Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. / Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 160 б.
5. Сабирова Н. Хоразм халқ лирик кўшиқларида поэтик рамзлар тизими ва уларнинг бадий-эстетик вазифалари: филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 48 б.
6. Сафаров О. Фольклор – бебаҳо хазина. Ўзбек фольклорига доир рисолалар ва мақолалар. – Тошкент: Муҳаррир, 1998. – 360 б.
7. Султангареева Р.А. Башкирский свадебно-обрядовый фольклор. – Уфа, 1994. – 224 б.
8. Тошева Г. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2002. – 157 б.
9. Қуранбоева Н.Р. Хоразм тўй кўшиқлари: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 47 б.